

Толенигиз баланд, умрингиз узок, ризку насибангиз зиёда бўлсин!

2007 YIL 8 MART, PAYSHANBA

QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston
Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy
gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№ 32 (7.181). Sotuvda erkin narxda

Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги

Мухтарама онахонлар!
Қадри ола-сингиллар,
лобар қизларим!

Барчангизни гўзаллик ва
нафосат байрами - 8 март -
Хотин-қизлар куни билан чин
қалбимдан муқаббатлар эйтиб,
сизларга ўзимнинг юксак хур-
мат-эҳтиромим ва самимий
тиллақларимни изхор этишга
ижозат бергайсиз.

Она диёримиз узра кўклар
нафаси уфуриб турган шу кун-
ларда биз барчамиз баҳор ва
аёл, деган ардоқли сўзлар-
нинг бир-бирига нақадар
баҳолигини аёнлашди. Ҳар
қанда ҳам айтаётган нақадар
баҳолигини аёнлашди. Ҳар
қанда ҳам айтаётган нақадар
баҳолигини аёнлашди. Ҳар
қанда ҳам айтаётган нақадар
баҳолигини аёнлашди.

Бу байрам Яратганинг
тенгсиз муъжизаси бўлган
аёл зотини улуғлаш, юраги-
миздаги энг юксак туйғулар-
ни ифода қилиш учун бизга
янги бир имкон бериб, улар-
нинг ҳаётимиз, жамиятимиз-
даги ўрни ва аҳамиятини чу-
қур аниқлаш, қадр-қимматини
жойига қўйишга яна бир бор
даъват этади.

Мана шу кутлуг айёма,
авваломбор, барчамизни дунё-
га келтирган, кўз нури, қалб
қўри, бутун борлигини фар-
зандларига бағишлаган, биз
олдида умрбод қарздор
бўлган меҳрибон оналаримиз,
муътабар момо ва буви-
ларимизга таъзим қиламиз.

Энг муҳими, шундай шукҳу-
ли кунларда хонадонларимиз

фариштаси, оила қўрғонининг
бекеси бўлиши, рўзгорининг
барча юки ва ташвишларини
нозик елкасида беминнат
қўтариб келаётган, болалари-
мизни оқ ювиб, оқ тараб во-
яга етказадиган, уйларимизга
орастилик ва фойз бағиш-
лайдиган садоқатли умр
йўлдошларимизни, уларнинг
хусну латофатини ўзимиз
учун бамисоли янгитдан оч-
гандек бўлаемиз, уларнинг,
барча ола-сингилларимиз,
зебо қизларимизнинг хурма-
тини баҳо келтирамиз.

Хулоса қилиб айтганда, 8
март байрами ҳақида сўз юри-
тар эканмиз, биз, аввало,
эски замонда кенг тарқалган
сиёсий-мафқуравий қолип-
лардан бутунлай холи бўлиб,
юртимизга гўзал ва бетакрор
бахор фаслининг элчиси си-
фатида кириб келаётган, то-
бора чинакам инсоний моҳи-
ят касб этиб бораётган кутлуг
бир анъанани, оилаларимизга
ғадиқ шодлик бахш этаётган
кунвончи бир айёмни ўзи-
мизга тасаввур қиламиз.

Биз ола-сингиллар!
Азиз мустиқиллик эриш-
ган дастлабки кунлардан бош-
лаб аёлларимизнинг жамият-
даги ўрни ва нуфузи, хурмат
ва эътиборини ошириш,
уларнинг қонуний ҳуқуқ ва
манфаатларини таъминлаш
масаласи юртимизда олиб
борилаётган давлат сиёсати-
нинг устувор йўналишлари-
дан бирига айланган барча-
мизга яхши маълум.

Ўтган давр мобайнида бу
соҳада зарур ҳуқуқий асос

яратиш ва уни янада такомил-
лаштириш, аёлларимизнинг
ижтимоий ва сиёсий фаолли-
гини, жисмоний, маънавий ва
интеллектуал салоҳиятини
юксалтириш, ола-сингилла-
римизнинг саломамлигини
мустаҳкамлаш, уларнинг иж-
тимоий муҳофазасини кучай-
тириш, оила, оналик ва бола-
ликни ҳимоялаш, хотин-қиз-
ларни иш билан таъминлаш,
тадбиркор аёлларни қўллаб-
қувватлаш мақсадида амалга
ошираётган кенг кўламли
ишларимиз ана шу сиёсатнинг
амалий тасдиғидир.

Бугун кўлга киритган катта
ютуқларимизни мамнуният
билан эътироф этган ҳолда,
мен бутун жамиятимизга,
биринчи гада, раҳмат ва фа-
олларимизнинг эътиборини
муҳим иш масалага қаратмоқ-
чиман. Яъни, ҳаётимизнинг
барча соҳаларида аёлларнинг
муносиб ўрин эгаллашга
эришиш, уларнинг истеъдод,
билим ва тажриба, ораву-инти-
лишларини рўйбга чиқариш
йўлида ҳали-бери мавжуд
бўлган кўпгина тўсиқ ва му-
аммоларни ениб вазиқаси
олдимизда турганини унут-
маслигимизни истардим.

Айни вақтда 2007 йил-
нинг юртимизда «Ижтимоий
химоя йили» деб эълон эти-
лиши муносабати билан
қабул қилинган давлат дасту-
рида белгиланган тадбир-
ларни сўзсиз баҳарлаш,
авваломбор, жамиятимизнинг
пойдевори ва таянчи
бўлиши оилани мустаҳкам-
лаш, уни моддий ва маъна-

вий қўллаб-қувватлаш ҳамда
фаровонлигини ошириш,
аёлларимизнинг оғирини ен-
гил қилиш сингари муҳим
масалаларни ҳал этиш барча-
мизнинг зиммамизга катта
масъуляти оқлашини яна бир
бор таъкидламоқчиман.

Биз бугун барпо этаётган
янги ҳаёт, янги жамиятда хо-
тин-қизларимизни ҳокимият-
нинг барча тармоқларида - бу
қонунчилик ёки ижро ҳоқи-
мияти бўладими, суд-ҳуқуқ
таъбири бўладими - том маъ-
нодаги тенг ҳуқуқли ва фаол
иштирокини таъминлаш учун
ҳали кўп иш қилишимиз ке-
рак.

Шу борада бир мисол кел-
тиришни ўринли, деб била-
ман.

Бизнинг сайлов тўғрисида-
ги мавжуд қонунларимизда
Президент ташаббуси билан
Олий Мажлис ва маҳаллий
вакиллик органларига номзод
кўрсатишда ҳар қайси сиёсий
партия томонидан хотин-қиз-
ларга камда 30 фоиз ўрин
аэрайти шарти белгилаб
қўйилган.

Шунга қарамадан, бугун-
ги кунда маҳаллий вакиллик
органларида аёлларимизнинг
умумий иштироки 16 фоиз-
ни, Қонунчилик палатасида
17,5 фоизни, Сенатда эса 15
фоизни ташкил этишини аф-
сус билан қайд этамиз.

Албатта, депутатликка ном-
зодларни, аввало, сайловчи-
лар сайлашини ҳаммамиз
тўғри тушунамиз. Лекин ана
шу сайловларда хотин-қиз-
ларнинг фаол иштирок эти-

ши ва қонунчилик идорала-
ри ҳамда маҳаллий вакиллик
органларида муносиб ўрин
эгаллаши кўп жihatдан кенг
жамоатчилигимизга, аҳоли-
мизнинг сиёсий-ҳуқуқий ма-
даниятига боғлиқ эканини
ҳам эътиборда тутишимиз зар-
ур.

Энг ривожланган демокра-
тик мамлакатлар, аввало, Ев-
ропа давлатлари тажрибаси,
уларнинг бугун кеңираётган
тинч, фаровон ва осуда ҳаёти,
керак бўлса, ўз шароитимиз,
босиб ўтган йўлимиздан чи-
қарадиган хулосалар шунини
кўрсатмоқдаки, юксак билим
ва малакага эга бўлган оқила
аёлларимиз ҳокимиятнинг
қонунчилик, ижро ва суд тар-
моқларида нуфузли ўринни
эгаллаб, хотин-қизларимиз-
нинг халқимизнинг ишонли
вакиллари сифатида фаоли-
ят олиб бориши учун кенг
имконият очиб берсак, бу
ҳолат ижтимоий ҳаётимизда
доимий аънамага айлansa,
ишончим комилки, олдимиз-
да турган барча муаммолар-
ни адолатли ечишда,
ҳуқуқий демократик давлат ва
фуқаролик жамиятини барпо
этиш йўлида салмоқли кадам
қўйган бўламиз.

Уйлайманки, кейинги сай-
ловларда барчамиз бу ўта му-
ҳим масаланинг моҳияти ва
аҳамиятини теран англаган
ҳолда, ўз фуқаролик ва сай-
ловчилик бурчимизни адо
этишда бу масалага алоҳида
эътибор берамиз.

Қадри ола-сингилларим!
Сизларни гўзал байрамингиз
билан яна бир бор табрик-
лаб, барчангизга сийҳат-сало-
матлик, бахту саодат, хона-
донларингизга тинчлик ва
файзу барака тилайман.

Толенигиз баланд, умрингиз
узок, ризку насибангиз
зиёда бўлсин!

Ислом ҚАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.



Ҳаётимиз гули, жамиятимиз таянчи

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом
Қаримов раҳнамолигида хотин-қизларни ҳар
томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги барча
эзгу сазй-ҳаракатлар давлатимиз сиёсатининг
асосий йўналишларидан бирига айланди.

қий масалалар бўйича масла-
хатчилар фаолият кўрсатмоқ-
да. Маҳаллаларда, оилалар-
даги маънавий муҳитни мус-
таҳкамлаш, хотин-қизлар, ай-
ниқса, ёшларни миллий қад-
риятларимиз ва урф-одагла-

Пойтахтимизнинг "Турки-
стон" саройида 8 март - Хотин-
қизлар куни муносабати бил-
лан бўлиб ўтган тантанали ма-
жлисга Ватанимиз равнақи
йўлида узок йиллар самара-
ли меҳнат қилган онахонлар,
жамият ҳаётининг барча жаб-
халарида фидокорона фаоли-
ят олиб бораётган аёллар,
хотин-қизлар қўмиталари
раҳбарлари, диний маърифат
ва маънавий-ахлоқий масала-
лар бўйича маслахатчилар,
иқтидорли қизлар тақдир
этилди.

Тадбирни Тошкент шаҳар
ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислом Қаримов-
нинг Ўзбекистон хотин-қизла-
рига байрам табригини Прези-
дентнинг Давлат маслахатчиси
Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари,
Республика Хотин-қизлар
қўмитаси раиси С.Иномова
мамлакатимизда давлат ва
жамият қурилишида хотин-
қизлар фаолигини янада
ошириш, ижтимоий-ҳуқуқий
жихатдан қўллаб-қувватлаш,
қасбий, жисмоний, маънавий
ва интеллектуал савиясини
юксалтириш, оила, оналик ва
болалик манфаатларини
ҳимоялаш бўйича бетиқсол
ишлар амалга оширилаётган-
ини таъкидлади. Бу борада
Президентимиз Ислом
Қаримовнинг 2004 йил 25
майда қабул қилинган «Ўзе-
бекистон Хотин-қизлар қўми-
таси фаолиятини қўллаб-қув-
ватлаш борасидаги қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида»ги
Фармони дастуриамал бўлиб
хизмат қилмоқда.



Фармонга мувофиқ, Қора-
қалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳри-
даги барча ўзини-ўзи бош-
қарши органларида диний
маърифат ва маънавий-ахло-
қий руҳида тарбиялаш,
уларни турли зарарли оқим-
лар таъсиридан асрашда мас-
лахатчи аёлларнинг ҳам му-
носиб хиссаси бор.

(Давоми 2-бетда)

Иттифоқчилик тамойиллари - амалда

Ўзбекистон Республикаси Президентини
Ислом Қаримов 7 март куни Оқсаройда
Россия Федерацияси ҳукумати раиси
Михаил Фрадковни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юр-
тимизга ташрифи билан кўтлар экан, бу ўзаро
муносабатлардаги муҳим воқеа эканлигини
таъкидлади.

Сизнинг Ўзбекистонга ташрифингиз икки
томонлама ҳамкорлик барча соҳаларда юксак
суръатлар билан ривожланиб бораётганининг яна
бир тасдиғидир, - деди Ислом Қаримов. - Ўтган
йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 42 фоиз
ортганининг ўзидек бу фикрнинг ёрқин далили-
дир. Шу билан бирга, бугунги ўрнлаш ҳамкор-
лиги оид доллар босқинчилик юзасидан атроф-
лича фикрлашиш учун яхши имкониятдир.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида 2005 йил-
да имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари
тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорликни олий
даражага қўтариш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб
хизмат қилмоқда. Бугунги кунда ўзаро алоқа-
лар барча соҳаларда изчил ривожланмоқда.
Сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий
ҳамкорлик кўлами йилдан йилга кенгаймоқда.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг ўзаро
муносабатларини ривожлантириш масалаларига,
қўллаб ҳалқаро ва минтақавий муаммоларга
қарашлари муштарак. Мамлакатларимиз Шан-
хай ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий
ҳамжамияти каби тузилмалар доирасида ҳам
яқиндан ҳамкорлик қилиб келади.

Иқтисодий ҳамкорлик борасида гапирганда,
ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ўсиб
бораётганини қайд этиш жоиз. 2006 йили бу
борадаги кўрсаткич 3 миллиард АҚШ долларидан
ошди. Унинг салмоқли қисмини машина-
созлик, ёғоч ва целлюлоза-қоғоз, қишлоқ ҳўжа-
лиги маҳсулотлари ташкил қилди. Хусусан,
ўтган йили Россия Ўзбекистондан бир миллион
тоннадан зиёд қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини
сотиб олди. Аввалги йилларда бу кўрсаткич 300
миң тонна атрофида эди.

Ўзбекистонда Россиялик сармоядорлар билан
ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма кор-
хоналар сонини тўрт оғз элликдан ошди. Россия-
да эса Ўзбекистон сармояси билан тузилган 284
қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ҳамкор-
ликнинг асосий соҳалари - савдо, энергетика,
суурта, молия сектори, озиқ-овқат, фармацевти-
ка, ёғочни қайта ишлаш, электротехника ва
саноатнинг қўллаб бошқа тармоқлари.

Мутахассислар мамлакатларимиз иқтисодиёт-

нинг деярли барча соҳаларида самарали ҳам-
корлик қилиши мумкинлигини таъкидлашди.
Айниқса, нефть-газ, тоғ-кон саноати, қора ва
рангли металлургия устувор тармоқлардир. Бун-
дан ташқари, телекоммуникация ва дастур таъ-
миноти, машинасозлик, қимё, қурилиш матери-
аллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, сайёҳлик
соҳаларидаги ҳамкорликнинг истиқболли пор-
лоқ.

Ёқилғи-энергетика мажмуидидаги ҳамкорлик
алоҳида диққатга сазовордир. Айни пайтда Ўзе-
бекистонда «Газпром» ва «Лукойл» компаниялари-
нинг 2,5 миллиард долларлик сармояси ўзлаш-
тирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, соҳа инфрату-
зилмасини янада такомиллаштириш, магистраль
қувурларини ривожлантириш, янги қонларни
ўзлаштириш ишларида имкон қадар кўп сармоя
жалб этиш Ўзбекистон ва Россиянинг жаҳон энер-
гетика бозоридagi ўрнини янада кенгайтиришга
хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари
билан Россия Федерациясининг субъектлари
ўртасидаги бевосита алоқалар ҳам изчил ривож-
ланмоқда.

Мамлакатларимиз кадрлар тайёрлаш, соғлиқ-
ни сақлаш ва ижтимоий соҳанинг бошқа йўна-
лишларида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб кел-
моқда. Ўзбекистонда бир неча йилдан буён
Г.Пеханов номидаги Россия иқтисодиёт ака-
демиясининг филиали фаолият кўрсатаётгани,
ўтган йили М.Ломоносов номидаги Москва Дав-
лат университетининг Тошкент филиали ил-
талабаларни қабул қилгани бунга яхши мисол-
дир.

Маданият ва санъат намоёндаларининг ҳам-
корлиги доирасида турли кўрсаткич ва гастрол-
лар ташкил этилмоқда.

М.Фрадков Россия Ўзбекистонни Марказий
Осиёдаги энг яқин ҳамкорларидан, деб били-
шини, ташрифидан қўзланган асосий мақсад
савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳадаги муно-
сабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболла-
рини муҳофизат этишдан иборат эканлигини таъ-
кидлади. Хусусан, ўзаро товар айирбошлаш ҳаж-
мини янада ошириш, юқори технологиялар
соҳасида илмий-амалий ҳамкорликни янада ке-
нгайтириш учун икки томонда ҳам катта имкони-
ятлар мавжудлигини қайд этди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларини
ривожлантиришга доир ҳамда томонларни
қиқиртирган бошқа масалалар юзасидан фикр
алмашилди.

(ЎЗА)

Кимдир бир юмушдан
юзини бурди,
Кимдир ваъда берди,
кимдир ўй сурди.
Аёлга эҳтиром навбати етгач,
Ҳамма бирданига оёққа турди.
Абдулла ОРИПОВ

Ўзбекистон Республикаси билан
Россия Федерацияси ўртасида-
даги ҳамкорлик алоқалари икки
мамлакат Президентлари Ислом
Қаримов ва Владимир Путин то-
монидан 2005 йил ноябрда им-
золанган Иттифоқчилик муноса-
батлари тўғрисидаги шартнома
руҳида изчил ривожланиб бор-
моқда. Россия Федерацияси ҳуку-
мати раиси Михаил Фрадковнинг
мамлакатимизга расмий ташри-
фи Ўзбекистон билан Россия
ўртасида жадал ривожланиб бо-
раётган иқтисодий ҳамда сиёсий
мулоқотнинг мантйқий давомий
бўлиши.

Ўзбекистон Республикаси Бош вази-
ри Ш.Мирзиёев билан М.Фрадков
ўртасида бўлиб ўтган музокараларда
мамлакатимиз вазирилари ва етакчи
иқтисодий тузилмалар раҳбарлари иш-
тирок этди.

Музокараларда икки томонлама сав-
до-иқтисодий ҳамкорликнинг истиқбол-
лари, хусусан, мамлакатларимиз ёқилғи-
энергетика мажмуини ривожлантириш
мақсадида ўзаро фойдали иқтисодий
муносабатларни кенгайтириш, шун-
ингдек, Ўзбекистон ва Россиянинг
қатор халқаро ташкилотлар доирасида
ҳамкорликда ҳаракат қилиши билан
боғлиқ масалалар муҳофизат этилди.

Бугун авиация ва озиқ-овқат саноа-
ти, машинасозлик, транспорт ва теле-
коммуникациялар соҳасида ўзаро фой-
дали алоқалар изчил ривожланмоқда.
Ёқилғи-энергетика мажмуидидаги ҳамкор-
лик ҳам тобора кенгаймоқда. Ўзбеки-
стон бой энергия ресурслари захираси-
га, жумладан, Евроосиё минтақасида
ўзгариб бораётган ҳажми қиқиртириш
қилиш ва транспортни қуриш қилиш
соҳасида катта салоҳиятга эга мамлакат.
Шу нукта назардан қараганда, Ўзе-
бекистон ва Россия ўртасидаги ўзаро фой-
дали иқтисодий муносабатлар доира-
сида энергетика соҳасидаги ҳамкорлик
ва энергия хавфсизлигини таъминлаш-
га катта аҳамият берилмоқда. Россия-

ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ: Ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланмоқда

нинг "Газпром" ва "Лукойл" каби етак-
чи нефть-газ компаниялари билан ҳам-
корликда йирик инвестиция лойиҳа-
лари амалга оширилаётган. Бугунги кун-
да Россия компанияларининг Ўзбеки-
стон ёқилғи-энергетика мажмуидидаги ин-
вестицияси миқдори қарийб 2,5 мил-
лиард АҚШ долларини ташкил этади.
Фан ва техника, таълим соҳасида ҳам
алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Учрашувда Ўзбекистоннинг Марказий
Осиё минтақасидаги етакчи давлатлар-
дан бири экани таъкидланди. Ўзе-
бекистон ва Россия ўртасида савдо айлан-
маси жадал ўсиб бормоқда ва 2006 йил-
да бу кўрсаткич 3 миллиард доллардан
ошди. Россия Ўзбекистонга асосан ма-
шиналар, асбоб-ускуналар, транспорт
воситалари, металл қайта ишлаш ва
целлюлоза-қоғоз саноати маҳсулотла-
рини экспорт қилмоқда.

Музокараларда, ўз навбатида, Рос-
сиянинг Ўзбекистондан харид қилина-
ётган маҳсулотлар ҳажмини янада ке-
нгайтиришдан манфаатдор экани алоҳи-
да таъкидланди. Бугун мамлакатимиз
Россия Федерациясига машиналар, ас-
боб-ускуналар, транспорт воситалари
ва бошқа юқори технологияли маҳсу-
лотларни экспорт қилмоқда.

Музокараларда қоиотини ўзлашти-
риш, гуманитар ва бошқа соҳалардаги
ҳамкорликка доир масалалар ҳам му-
ҳофизат этилди. Ўзбекистон бугунги кун-
да катта илмий-тадқиқот салоҳиятига эга.

Жумладан, республикамизда МДХ худ-
дида энг йирик астрономия обсервато-
риялари, Ўзбекистон иқтисодиёти ва
жаҳон фундаментал илм-фани учун
муҳим аҳамиятга эга бўлган энг замона-
вий тадқиқотлари амалга ошириш им-
конини берадиган ноб авроқосимик ус-
қуналар самарали ишлаб турибди. Му-

зокараларда Ўзбекистон ва Россия
олимларининг имкониятларини бир-
лаштириш ҳар икки мамлакатнинг ушбу
соҳадаги салоҳиятини юксалтиришга
хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон-Россия музокаралари
яқунлари бўйича авиасозлик соҳасида
ҳукуматлараро битим имзоланди.

Шу кун Россия Федерацияси ҳукуматининг раиси М.Фрадков Ўзбекистон
Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ҳамроҳлигида Темурийлар тарихи дав-
лат музейи экспозицияси билан танишди.

М.Фрадков музейнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдириди.
Россия Федерацияси ҳукумати раиси Мустиқиллик майдонига ташриф бую-
риб, озолигимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган
Мустиқиллик ва эзгулик монументи пойга гул қўйди. Юқори мартабали меҳмон
Олий Мажлис Сенати биносини қўздан кечирди.

М.Фрадков оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб,
Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида ўтказган музокаралари натижалари
юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Мамлакатларимиз Президентлари томонидан имзоланган Иттифоқчилик му-
носабатлари тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорлигимизни сифат жиҳатидан
янги босқичга олиб чиқди, - деди М.Фрадков. - Мазкур музокаралар чоғида
мустаҳкам иқтисодий асосга эга бўлган кўп томонлама шериклик, стратегик ва
иттифоқчилик алоқаларини ривожлантиришдан, минтақادا хавфсизлиқни мус-
таҳкамлашдан ҳар икки томон бирдек манфаатдор эканлиги алоҳида таъкидлан-
ди.

Мен Тошкентта бундан 10 йил аввал келган эдим. Ўтган вақт мобайнида Тош-
кентнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада гўзаллашиб кетганига гувоҳ бўлдим.
Мени, айниқса, шаҳар маркази, унинг кенг майдон ва кўчалари хайратга солди.

Айна ИВАНОВА,
Ноҳира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбирлари.

Аёл меҳрининг бепойнлигини, онаизор шафқатини қийлашга бирор мезон, бирор меъёр бўлмаса керак. Ахир инсониятнинг ҳидоятга чорлаш учун жунатилган анбиёлар ҳам, курраи заминни ларзага солган фотиҳ саркардалар ҳам "қаро ер қаърида Зуҳал авжига қадар" барча жумбоқларни ҳал этишга чоғланган мутафаккиру алломалар ҳам бир пайтлар ожиз аталмиш аёл курсида бунёд бўлишган, маълум муддат унинг мўъжазгина вужудидан кўним топганлар. Аёлнинг сабр-тоқати, иродаси ва машаққатлари эвазига дунёга келиб, камолотга эришганлар.

жасорати авлодлар учун намуна бўлиб келаётган. Сароймулкхоним, Нодирбағим, Увайсий сингари оқила, зукко ватандошларимиз ўтмишда ҳам ўзбек аёлининг матонати, фасоҳати ва заковатини шоён қила олганлар. Муқаддас динимиз аҳкомларида ҳам аёлнинг азизлиги, оналарнинг муқаррамлиги бот-бот тақдирланади. Муқаддас ҳадиси шарифларда ҳам "Жаннат оналарнинг оёғи остидадир", дея беҳиз лутф қилинмаган. Хар бир даврда, хар бир жамиятда хотин-қизлар масаласига жиддий эътибор қаратилади. Зеро, аёлни эъзозлаган, аёлни ардоқлаган элда кут-баракат, фаровонлик ва барқарорлик ҳукм суради. Бунинг очик-ошкор исботини бугунги кунда, ўз юртимизда ҳам кўришимиз мумкин. Мустақиллик йиллари мамлакатимизда Президент Имом Каримовнинг бевосита раҳнамолиги остида аёлларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва мақоми таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунинг натижаси

Ҳаётимиз гули, жамиятимиз таянчи

(Боши 1-бетда)
Жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида эришилган ютуқлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Ўзбекистонда бу йўналишда ўрганаси арзийдиган тажриба тўлангани эътиборга моликдир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган давлат дастурларига биноан оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлод ҳамда оналарни ижтимоий ҳимоялаш

YETTI-QOLIMDAN BIR SHINGIL

Инқироздан чиқиш йўли

Францияда Airbus авиаконцернига тегишли 4 та завод фаолияти тўхтатилди.
Мамлакатнинг бир неча шаҳрида кўп миң сонли норозилик намойишлари бошланиб кетган. Намойишчилар заводларнинг ёпилиши ва ишчилар сонининг оммавий қисқартирилишига қарши чиқишмоқда. Яқинда Airbus директорлар кенгаши Францияда 4,3 миң, Германияда 3,7, Британияда 1600 ва Испанияда 400 нафар ишчи ўрни қисқартирилишини маълум қилганди. Компания шу йўл билан А-380 янги лайнери тузатиш юзасига келган 5 миллиард евролик қарзни қоплаш ниятида. Утган йили А-380 лайнерини бюртмачиларга етказиб бериш кечиктирилгани компанияни ана шундай иқтисодий инқирозга олиб кирган эди.



борасида қўллаб-қўллаш чора-тадбирлар, лойиҳалар амалга оширилади. Тиббиёт масканлари - она ва бола скрининги марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт-соғломлаштириш масканларининг фойдаланишга топширилиши, замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланиши бунинг ёрқин далилидир. Қўрқошимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти мамлакатимиз иқтидорли қизларини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янги иходиий ютуқлар сари давлат этишда муҳим омили бўлмоқда. Таъдбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 мартдаги қарорига мувофиқ аёло ҳуқуқи, зукколиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан нобъ истаъдодини намоён этаётгани ҳамда адабиёт, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Зулфия номи-

Ал-Хилладаги хунрезлик

Ироқнинг Ал-Хилла шаҳри яқинида муҳиж қўрувчилик содир этилди. Қарбало шаҳрини зийрат қилиш учун йўл олган юзлаб шалар кутилмаганда террорчи камикадзе ҳужумига дуч келишди. Икки нафар террорчининг ўзини портлатиб юбориши 120 га яқин зийратчини ҳаётдан олиб кетган ва 200 нафар одамни жароҳатлаган. Бу воқеа Ироқдаги шиъа мазаҳи вакиллари орасида норозилик кайфиятини уйғотган. Ироқ бош вазири Нури ал-Маликий хунрезликни мазаҳлараро низолар уйғотиши қўзғалган террорчилар содир этганини айтиб, аҳолини тинчликни сақлашга чақирган.

Жазо таҳдид солмоқда

АҚШ вице-президентининг собиқ ёрдамчиси Льюис Либбига 25 йиллик қамоқ жазоси таҳдид солмоқда. У ёлгон кўрсатма бериш ва суд жараёнини чалғитишга ўринида айбдор, деб топилган. 2004 йилда Марказий разведка бошқармаси агенти Валери Плейм вице-президент Дик Чейни ва Ок уйининг икки ходимини судга берган эди. Плейм хонимнинг фикрига қўра, улар унинг бошқарма жосуси эканлиги тўғрисидаги махфий маълумотларни матбуотга фош этиб обрўйига пўтур етказишган.

Бағрикенг, болажон халқимиз

Президентимизнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналиши ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришни энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирилар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси қўллаб-қувватлаш маърузаси қатори мени ҳам беҳад тўқинлатди. Қўрқошимизнинг ёш авлод тўғрисидаги ҳақиқатларни аниқлаш, биринчи раунддаги йил шариоатида ҳамда алоҳида ютуқлари учун Зулфия номи-

Сувнинг ҳам сўрови бор...

Қорақалпоғистон Республикасида сувдан оқилона фойдаланиш катта аҳамиятга эга. XXI асрнинг бошларидаги сув танқислиги минтақа халқ ҳўжалигига гўят катта зарар етказди. Обиҳабтнинг расамади билан тақсимлаш ва ундан умумий фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси сув ҳўжалиги ва Хоразм вилояти сув ҳўжалиги тармоқлари негизига қўйи Амурдўр ҳавзаси ирригация тизимлари бошқармаси ташкил этилган эди.

Бошқарма бошлиғининг ўринбосари Рашид Кошектеповдан шу соҳада амалга оширилган ишлар ҳўсусида сўзлаб беришни сўрадик. - Амалдаги йилда сув ресурслари ўтган йилга нисбатан 30 фоизга кам бўлиши кўтилмоқда, - дея сўхбатни бошлади Рашид Мажидалиев. - Шунинг ҳўсида олиб, ерларнинг шўрини ювишдек маъсулиятли тадбирни талаб даражасида ўтказиш учун пўхта тарадууд қўридик. Энг муҳими, Туямуён сув омборида сув захираси нисбатан кам эканлиги эътиборга олиниб, шўри ювилиши лозим бўлган 163972 гектар ер майдонлари ўтган йилнинг декабрь ойида тайёрлаб қўйилди. Фермер ҳўжаликлариде ерларнинг шўрини ювиш юзасидан қатъий режалар тайёрланди. Яна бир масала: амалдаги йил вегетация даврида сув танқислигининг олдини олиш мақсадида шўли экиладиган майдонларни қисқартириш, пахта экиладиган ерларни сув таъминотига қўлай бўлган майдонларга жойлаштириш юзасидан ҳам аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди.



сумга тайёрлаш борасида қандай ишлар олиб бориладими? - Биласиз, Қорақалпоғистон ҳудудий жиҳатдан жуда катта майдонни эгаллашди. Шунинг учун ҳам магистраль ва ҳўжаликлараро каналлар, коллектор-завурлар бепойн ҳудудларни кесиб ўтади. Мана, бир мисол: амалдаги рийшда, асосан, насослардан фойдаланишга тўғри келади. Бу борада Амурдўр соҳилларида жойлашган Беруний тумани жуда катта қийинчиликларга дуч келаяпти. Туманда аксарият ер майдонлари сув дизель ёки электр насос станциялари орқали чиқазилади. - Демак, насосларни "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Мушфиқ она, меҳрибон сингил ва вафодор ёр

бунёд этилган Бибиҳоним масжиди, Машҳадда Шоҳруҳ Мирзо ташаббуси билан қурилган Гавҳаршодбағим мажмуаси, Аграда Шоҳ Жаҳон қурдирган, етти мўъжизанинг бири, дея эътироф этилган Тож-Маҳал мажмуаси ана шу юксак эътибор ва эҳтиромнинг мангу тимсоллари эмасми?

Ўзбек аёлини шарқона ифқат, ирода ва матонатнинг ёрқин тимсоли, дейиш мумкин. Халқимиз азалдан аёлни эъзозлаб келган. Боболаримиз яратиб қолдирган маънавий мероснинг катта қисми аёл эътири улуғлашга қаратилган. Шoirлар унинг гўзаллиги, латофатини мадҳ этишган. Юз туман нопок эрдин яхшироқ, Пок хотунлар аёлининг изи, деган эдилар ҳазрат Навоий. Қарангки, биргина покдон аёлнинг хоки пойи юз туман - миллион нафар нопок кимсадан афзал экан. Халқимизда "Онанинг қафтингда тутсанг, сингининг кифтингда тут" деган мақол ҳам беҳиз айтилмаган. Дарҳақиқат, мушфиқ она ҳам, меҳрибон сингил ҳам, вафодор ёр ҳам - аёл.

Шоҳ ва шоир, буюк саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг муборак қаламидан тўқилган мана бу мисраларда ҳам айнан аёлнинг буюклиги, унинг муаззам сиймоси тарафдор эътиборини кўришимиз мумкин. Сөн гулсену, мен ҳақир бўлбўлдумен, Сөн шўлулсену, шўлуға мен қўлдурмен, Нисбат йақун, деб икитиной айламаким, Шаҳмен элга, вале сенга қўлдурмен. Утмишга назар солар эканмиз, ўзбек аёллари тарихнинг исталган даврида шунчаки ожиза эмас, хар бир соҳада ўз куч-ғайрати, салоҳиятини намоён этиб келганини кўраимиз. Ватан озодлиги, юрт эрки учун майдонга от ўнатиб тушган эрксевар инсонлар сафиде аёллар ҳам бор эди. Аёл боши билан босқинчилар саркардасини маҳз этиб, бошини қон тўла мешга боғирган Тумарис жасоратини эслайлик. Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган фарзандларининг дорда чайкалиб турган гавдаларига қараб, "Баракалла, жигарбандларим, сиз ана энди, менинг оқ сўтими оқландингиз" дея от устида хитоб қилган Қўрбонжон Доджоннинг мардлигини ёдга олинг. Асрлар ўтса-да, уларнинг шарафли ҳаёт йўли, қаҳрамонликлари, қатъият ва иродаси,

Публицистика

Аёл мураббий - унинг қўлидан таълим-тарбия олган ёшлар бугун турли муассасаларда ўз салоҳиятини намоён этмоқда. Аёл - шифокор. Ундан қанчадан-қанча беморлар дардига малҳам топади, не-не кимсалар ҳаётга қайтади. Аёл моҳир ҳўнарман. Унинг қўлидан сайқал топган санъат дурдоналари қалбларни ҳайратга солади... Умуман олганда, бугунги кунда ҳаётимизда эришилаётган хар бир ютуқ замирида, албатта, аёлларнинг, она-сингилларимизнинг салмоқли ҳиссаси бор. Бугун ўзбекининг спортчи қизлари нуфузли халқаро мусобақаларда юртимиз шафари муносиб ҳимоялаб, Ватан байрогини сарбаланд қилиб қайтишмоқда. Илм-фан, маданият ва бошқа кўпгина соҳаларда ўзбек хотин-қизлари нимага қодир эканликлари нини намойиш этишмоқда. Таъдбиркорлик ва фермерлик йўналишларида ҳам аёлларимиз ҳайратланарли ютуқларга эришиб келишмоқда. Буларнинг барчаси ўзбек аёлининг юксак иқтидори, шунингдек, мамлакатимизда хотин-қизлар фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалий натижасидир. Аёл ҳақида не-не файласуфлар ажойиб ҳикматларни битиб қолдирганлар, шоирлар шуарулар унинг буюклигини қийлаш учун ҳад-ҳисобсиз ташбеҳларни ўйлаб топганлар. Аммо, аёлнинг буюклиги ортиқча изохға, таърифга тавсифга мўҳтож эмас. Чунки, бу буюклик, куч-қудрат, сир-синоат унинг АЭЛлигидир. Ана шу сарҳадсиз буюклик, поёнсиз синоат ва юксак куч-қудрат олдида ҳаммиша бош эгмоқ, таъзим бажо келтирмоқ вожибдир.

Фахри ДИЁРОВ

Хабарлар

"Йилнинг энг яхши мактаби"

Республикамиз мактаблари ўртасида аънавий тарзда ўтказиб келинаётган "Йилнинг энг яхши мактаби" кўрик-танловининг бу йилги республика босқичи Навоий вилояти, Зарафшон шаҳридаги 2005 йилнинг "Энг яхши мактаби", дея эътироф этилган 13-мактабда бўлиб ўтди. Кўрик-танлов иштирокчилари Навоий вилоятидаги умумтаълим мактабларида олиб борилаётган таълим ислохотларининг гувоҳи бўлишди. Айниқса, шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан ўқув даргоҳларига ҳомийлар эътибор қаратилганлиги кўпчилида яхши таассурот қолдирди. Бугунги кунда ўқитувчи ва ўқувчининг ахборот технологияларидан кенг фойдаланиб, иходиий ишларга қўл ураётгани, таълим бошқа тилларда олиб борилаётган ўқув масканларидаги ажойиб шарт-шароитлар, спорт соҳасида эришилган юқори кўрсаткичлар эътироф этилди. Кўрик-танлов якунига қўра, Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги 16-мактаб "Йилнинг энг яхши мактаби", деб эътироф этилди. Иккинчи ўринга Тошкент шаҳар, Юнусobod туманидаги 260-мактаб ҳамда Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги 5-мактаб фаолияти лойиқ топилди. Навоий вилояти Карман туманидаги 10-Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 9-мактаблар ва Наманган вилояти Минбулоқ туманидаги 13-иқтисодлашган мактаб интернати жамоалари учинчи ўрин соҳибни бўлишди. Шунингдек, Бўхоро вилояти Қўрғонтепа туманидаги 8-, Нукус шаҳридаги 33-, Самарқанд шаҳридаги 51-, Сирдарё вилояти, Бобўвут туманидаги 19-, Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги 7-иқтисодлашган мактаб-интернати, Қўқон шаҳридаги 4-, Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 90-мактаб қатор номинациялар буйича гўлиб бўлдилар.

Шерзод АХМАТОВ, Халқ таълими вазирилик Ахборот хизмати.

Гўлиблар тақдирланди

Самарқандда Президент соврини учун аънавий равишда ўтказилиб келинаётган "Ташаббус-2007" кўрик-танлови натижасига етди. Унда "Энг яхши таъдиркор" йўналишида Ургўт туманидаги "Яшил олтин" маъсулияти чекланган жамияти раиси Зайниддин Аҳоров, "Энг яхши ҳўнарман" номинациясида Самарқандлик нақшоҳ Ҳабиб Турдалиев, "Энг яхши фермер" номинациясида Каттакўрган туманидаги "Эсон ота" фермер ҳўжалиги раиси Одил Носиров биринчи ўринни эгаллашди.

Музейлар фестивали

Яқинда Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишлаб янги ташкил этилган "Марғилон шаҳар тарихи" музейида Ўзбекистон музейлари фестивали ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирилик, ЎзРФА ҳамда республика "Ўзбекмузеи" ширкати билан ҳамкорликда ўтказилган маъруза фестивал доирасида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги 27 та ириқ музейларнинг 2 мингта янги экспонатларидан иборат фестивал кўргазмаси, марғилонлик ва вилоятлардан ташриф буюрган бир гуруҳ ҳўнармандлар иштирокидаги амалий санъат асарлари кўргазмаси намойиш этилди. Фестивал якунига қўра, Хива "Иканкаль" музей-қўриқонаси Маданият ва спорт ишлари вазириликнинг I даражали диплом билан, Ўзбекистон Давлат табиат музейи II даражали диплом, Бўхоро Давлат бадий-меморий музей-қўриқонаси III даражали диплом билан тақдирланди. Ҳўтамхон ХОЛДОРОВА

Сайловни тан олмади

Грузия Абхазияда бўлиб ўтган парламент сайловларини тан олмади. Мамлакат раҳбари Михаил Саакашвили шу ҳақда маълум қилди. 1990 йилдан буён Грузиядан ажралиб чиқишга уриниб келаётган Абхазия расмийларининг сўзларига қўра, сайловларда одамлар фаол иштирок этгани бу алоҳида ҳудуднинг демократик ва мустақил давлат бўла олишини намоён этади. 1993 йил бўлиб ўтган қонли урушдан сўнг Абхазия ўзини алоҳида давлат деб ҳисоблайди. Аммо Абхазиянинг мустақиллигини ҳалигача бирор давлат расман тан олмаган.

Явада авиаҳалокат

Индонезиянинг Ява оролидаги аэропортга қўниш чоғида Боинг-737-400 йўловчи самолётни биниб кетди. Хабарларга қўра, маҳаллий авиаконцернига тегишли бу самолётда 140 га яқин йўловчи бор эди. Улардан 50 нафари эса фожиа оқибатида ҳалок бўлган. Самолёт бортида Австралия ташки ишлар вазирилик ҳодимлари ҳам бўлган. Қўрбонлар орасида чет элликлар бор-йўқлиги маълум қилинмаган. Ҳалокат сабаблари ҳозирча номаълум.

Энг қиммат ва арзон шаҳарлар

"Экономист" журнали дунёнинг энг қиммат шаҳрини маълум қилди. Бу йилги рейтингнинг биринчи ўринни Олосини эгаллаган. Ундан кейинги ўринлар Париж, Копенгаген, Лондон, Токио, Нью-Йоркка насиб этган. Журнал мутахассислари 132 давлатда тадқиқот олиб бориб, шаҳарлардаги озиқ-овқат, хизматлар, ижара, транспорт нархлари кўрсаткичига биноан ушбу рейтингни ҳар йили тузиб чиқади. "Экономист" маълумотига қўра, дунёдаги энг арзон шаҳар Техрон экан. Техронликлар турли хизматлар учун осполикларга нисбатан бир кунда 4 баробар камроқ пул сарфлашаркан. INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.



Мижозларнинг ишончли ҳамкори

Рўйи замин сайкали ҳисобланмиш Самарқанд - буюк маскан. Имом Бухорий, Имом Мотурудий, Мир Сайид Барака, Хожа Ахрор Валий, Маҳдуми Аъзам сингари кўлаб улуг алломалар ва азиз авлибалар унинг шухратига шухрат қўшди. Мана шу муқаддас заминни Регистон майдони, Тиллақори, Гўри Амир макбараси, Бибиҳоним ансамбли, Шоҳи Зинда, Имом Бухорий зияратгоҳи сингари унлаб тақдорланмас обидаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Узининг 2750 йиллигини нишонлашга ҳозирлик қўраётган бетакрор, афсонавий шаҳар ўз бошидан кўлаб тарихий воқеаларни кечирган.

Истиқлол йилларида Самарқанд вилояти шаҳар ва қишлоқлари жамоли ҳам таниб бўлмас даражада ўзгарди. Янги, замонавий бинолар, кўприклар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, вилоятда банк тизимини ислоҳ қилиш, пул-кредит сисъати борасида амалга оширилаётган ишлардан ибрат ола бўлади.

Акцидорлик тижорат "Туронбанк" Самарқанд вилояти филиали жамоатининг минтақа иқтисодий ҳаётида ўзига хос ўрни бор. Шу кунларда Президентимиз Фармонлари, Вазирлар Маҳжа-



масининг тизимга оид қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида банкнинг ишончилигини ошириш, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Натихада, кейинги пайтларда мулкчиликнинг турли шаклидаги миқдорларга молиявий хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилди.

Банк, асосан, қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги тизимидаги корхона ҳамда ташкилотлар, кичик бизнес субъектлари, хусусий фирма ва корхоналарга хизмат кўрсатиб, уларнинг яқин ҳамкорига айланши учун барча имкониятларни ишга солаётди. Миқозлар сони 1000 нафардан ошди. 2006 йили улар сафига юздан зиёд янги миқозлар келиб қўшилди. Молия муассасасида, айниқса, хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кредит маблағлари, асосан, реал ишлаб қўрсатиш билан шуғулланаётган субъектларга ажратилаётди. Кредит маблағларининг ўз вақтида қайтарилиши ва мақсадли ишлатилиши доимо назорат қилиб борилади.

Иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсгани банк ликвидлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. 2006 йили 2509,5 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Шунинг 841,1 миллион сўми банкнинг ўз маблағи, 1668,8 миллион сўми эса Молия вазирлиги маблағлари ҳисобидан йўналтириб берилди.

Банк кредит портфелига алоҳида тўхталиш жоиз. 2007 йил 1 январь ҳолатига жами кредит қўйилмалари 1468,2

миллион сўми ташкил этди. Бу - ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 194,4 миллион сўмга кўп демакдир.

Хукуматимизнинг тегишли қарорлари асосида кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жиҳдий эътибор қаратилмоқда, - дейди филиал бошқарувчиси Ахрор Уролов. - Ана шу тамойилдан келиб чиқиб, банкда маблағни дўх келганга эмас, иш биланга бериш фаолият мезонига айланган. 2006 йили тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар қолдиғи 836,1 миллион сўми ташкил этди. Шунинг 313 миллион сўми санат, 178,7 миллиони қишлоқ ҳўжалиги, 239,2 миллион сўми эса қурилиш ва маиший хизмат соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилди.

Банк турли мақсулотлар ишлаб чиқаришни қўлайитиришга, рақобатни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Масалан, "Кристалл Самарқанд" масъулияти чекланган жамиятида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун бир йил муддатга 50 миллион сўм миқдорда кредит ажратилган. Натихада, мазкур корхонада ишлар жадаллашиб кетди. Ҳозирда вилоятдаги қурилиш ташкилотларига қурилиш материаллари етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, Жомбой туманида 2 та мактаб бунёд этилаётди. Корхона жамоаси банк билан ҳамкорлиги янада кенгайтириши ниятида.

МСПМК-374 деб номланган масъулияти чекланган жамиятига Булунгур туманидаги 540 ўринли маиший хизмат кўрсатиш коллежи биноси қурилиши учун 100 миллион сўм кредит олти ояга ажратилган. Бугун мазкур корхона томонидан бунёдкорлик ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда ва бинонинг ўз муддатида фойдаланишга топширилиши кутилмоқда.

Миқозлар билан суҳбатлашиб улар ва банк ўртасида

даги ишонч тобора мустаҳкамланаётганига амин бўлдик. Шунинг учун ҳам миқозлар олган кредитларини мақсадли тасарруф этиб, тезда қайтармоқда-лар.

Банк ва миқозлар муносабатларини пухта йўлга қўйдиган омил бу - ўртада шакланган ўзаро ишончдир, - дея суҳбатга қўшилди банк бош бухгалтери Бобур Мардиев. - Шу сабабли, қўллаб қўринадиган очик кредит линиясидан фойдаланишга ўтди. Бу ўзининг яхши самарасини берапти.

Сир эмас, миқоз ўзининг маблағини банкка қўйишдан аввал у ердаги шарт-шароит, тартиб-интизом билан қизиқади. Қолаверса, даромад фойдаланишга алоҳида эътибор беради. Айни шу масалалар мазкур молия муассасасининг диққат марказида турибди.

"Имконият" омонатида бир ойдан ўн икки ойгача муддат бўйича 18 фоиз йиллик даромад тўланади. "Кафолат" сингари омонат турлари жорий этилиши аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотди. "Нуроний" омонатида эса 3 ойлик муддат бўйича 18 фоиз йиллик даромад тўланади.

Омонат турлари қўлайганлиги банкнинг ўз маблағи охишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг ҳисобидан



"Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларини бажариш мақсадида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2006 йили эмиссия қилинган пластик карточкалар сони 2700 тани ташкил этди.

Филиалимиз томонидан ёқилғи қўйиш шохобчалари, савдо нукталари ва махсус жамғарма кассаларига 14 та терминал ўрнатилди. Уларда 2006 йилнинг ўзида 282 миллион сўм пул айланмаси амалга оширилди, - дея суҳбатга қўшилди кредит бўлими бош мутахассиси Улуғбек Индиаманов. - Бу ерда хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар иш ҳақларини



кредит беришда яратилган қўлайликлар миқозлар сонининг ортишига олиб келаётди, - дейди банкнинг валюта амалиётлари бўлими мутахассиси Фарход Нуриллаев. - Шу боисдан, миқозлар сони кун сайин қўлайиб бормоқда. Айниқса, уларга WESTERN UNION, "Денежные переводы" пул ўтказмалари маъқул тушмоқда. Молия муассасасида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги


пластик карточкаларга ўтказиш бўйича шартнома тузган. Замонавий хизмат тури - пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш ўз самарасини кўрсатаётди.

2006 йили дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш мақсадида факторинг операциялари амалга оширилиб, қарздорлик 446,5 миллион сўмга қисқарди. Жамой миқозларга янада қўлайлик яратиш учун доимо изланишда. Лойиш, Фарход, Богисарой мини-банкларига зарур шароитлар яратилган.

Бу ерда ишлаётганларнинг асосий қисмини ёш, ҳаракатчан ходимлар ташкил қилади. Мутахассисларнинг ўз малакаларини ошириб боришлари учун имконият етарли.

Молия муассасасида иш замон талаблари даражасида ташкил этилганлиги сабабли жамоа ўз олдига қўйган мақсадга эришмоқда. Зеро, қайси банк миқозни очик чеҳра билан қаршилади, унга қўнгилдагидек хизмат кўрсата, ўзаро рақобатда ютиб чиқади.

Улуғбек ЖУМАЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.



Мижоз, табиийки, ана устга учради. "Мана, эҳтиёт қилинмиш яхшидан қўйдим. Энди ишлайди", деди уста бу гал ҳам бамайилхотир. Бирок, совуқчи дегани бир-иқи соат эмас, қовуқчи мунддатга қадар ишлаши керак эмасми? Қўндуз Зоирова устга учраб, бу гал олтиш минг сўмини қайтаришни сўради. Раб жавобини олди. Нима қиларини билмай боши қотди.

Вобкент туман марказида истиқомат қилувчи Қўндуз Зоирова носоз совуқчинини тузатиш учун "Империал шох" хусусий корхонасига мурожаат қилди. Уста хизмат ҳақиқа эҳтиёт қисм нарҳини қўшиб, миқоздан нақд олтиш минг сўмини санаб олди. Аммо, совуқчинини уйига олиб келган Қ.Зоированинг тарвузи қўлтигидан тушди. Совуқчи яна ишламай қолди.

Мижоз, табиийки, ана устга учради. "Мана, эҳтиёт қилинмиш яхшидан қўйдим. Энди ишлайди", деди уста бу гал ҳам бамайилхотир. Бирок, совуқчи дегани бир-иқи соат эмас, қовуқчи мунддатга қадар ишлаши керак эмасми? Қўндуз Зоирова устга учраб, бу гал олтиш минг сўмини қайтаришни сўради. Раб жавобини олди. Нима қиларини билмай боши қотди.

тутулиб, совуқчинини тузатиш учун тулаган 60 минг сўм пули қайтариб олиб берилди, - дейди туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси Абдурауф Еров. - "Империал шох" хусусий корхонаси устасига келса, сифатсиз маиший хизмат кўрсатиш билан узоққа бора олмаслигини англади чоғи, кўп ўтмай эшигига қулф урди.

Шу ўринда кишини ҳам ажаблантирадиган, ҳам ўйлантирадиган бир далилга эътиборингизни қаратмоқчимиз. 2006 йил давомида жамиятга истеъмолчилардан беш-олтига озғак шикоятни ҳисобга олганда, атиги битта ёзма ариза тушган, холос. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Ёки факторлар истеъмолчи сифатидаги ҳақ-ҳуқуқларини яхши билишмайдими?

Мулоҳаза

истеъмолчилик маданиятини оширишда мактабларда ўтказилаётган мониторинг ҳам фойдали бўлапти.

Шу ўринда бир мисол. Жамият туман аҳолисига транспорт хизмати кўрсатувчи "Йулочви сервис" масъулияти чекланган жамияти, "Тўймурод-Нормурод" хусусий корхонаси фаолиятини ўрганиб, бир қатор камчиликларини аниқлади. Ҳайдовчиларни тиббий қуридан ўтказиш риволандидек ташкил этилмаган, ҳаракатнинг бошланиши ва тугаш вақти, қира ҳақи тўғрисида маълумотлар йўқ. Жамият ана шу нуқсонлар юзасидан тегишли ташкилотларга мурожаат қилган, бу камчиликларга барҳам берилди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Эрта экиладиган сабзавот, картошка ва полиз уруғларини қандаш вақти етди. Мўл ҳосил олмакчи бўлсангиз, ҳаракатни шу кунлардан кечиктирманг. Уруғлик саралаб, ишни экиш технологияси бўйича қилинг.

Картошка: Эртаги мунддатда экиладиган картошка уруғи сараланиб, соғлом, тоза туганаклар қолдирилади. Экишдан

дан 10 мартгача ва шимолий вилоятларда 10-20 мартда экишни бошлаш мумкин.



Уруғлик сара бўлса...

олдин маҳаллий картошкалар 30-35, четдан келтирилгани 20-25 кун ундирш хоналарига қўйилади. Ушбу хоналар ёруғ ва 18-22 даража илқ бўлиши лозим.



Уруғликлар майда - йириклигига қараб, ундирш хонасининг поли, сўқчаларига 2-3 қатламдан оширмай ёки 12, 20-25 килограмм йиқиларда ундиршига қўйилади. Ўтказиш давригача уларнинг яшил нишлари 2-3 см дан ошмаслиги лозим. Агар бу жараён қўлда амалга ошириладиган бўлса, нишлар 2-3 см дан ўсиб кетса ҳам зарар қилмайди.

Эртаги картошкани иқлим шароитига қўра, республикамизнинг марказий минтақаларида 20 февралдан 10 мартгача, жанубий ҳудудларда 15 февралдан 10 мартгача экилади.



зин сульфат"нинг 0,05 фоизли сувдаги эритмасига 16 соат солиб ивтилади.

Карам: Уруғлари 1,5-2 мм ли экиладиган ўтказиб, сараланган ҳолда экилса, карам бошларининг бир текис, эрта ва қийос етилишини таъминлайди. Ҳосилдорлиқни ошириб, махсулот сифатини яхшилайди.

Уруғларни тез ундирш учун намлаш ва нишлатиб ундирш усули тавсия этилади. Қопларга солиниб, сувга ботирилади. Намлаш уруғ тўлиқ бўртгунча давом эттирилади. Тез униб чиқувчи уруғлар - карам, турп, редиска, шолғом, бодринг, қовоқ, қовун, тарвуз, ўхат, ловия ва дук-какли экинлар уруғини 12-20 соат, пиёз, сабзи, укроп, исмамоқ, шовул уруғларини 50-60 соат ивтиш лозим.

Бўртган уруғларни ундирш учун юпка қилиб ёйилади, устига қоп ёйилади ва иссиқ хонада сақланади. Экинни тупроқ сугорилгангина бошлаш мумкин.

А.АББАСОВ, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкани илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари.

Мўл ҳосил пойдевори

Бу йил сирдарёлик пахтакорлар 115,3 минг гектар ерга барака уруғи қадайдилар. Чигитнинг бир текис униб чиқиши бевосита уруғлик чигит сифатига боғлиқдир.

Бу ерда иш уч сменада олиб борилиб, "Ан Боявут-2", "С-6524" навли чигитлар тайёрланмоқда. Уруғлик чигит илдиз чириши "Гаммоз" касаллигига ва сўрувчи ҳашаротларга қарши дориланмоқда.

Ҳўш, Сирдарё вилоятида уруғлик чигит тайёрлаш ишлари қандай кечаяпти? - Уруғлик чигит, асосан, "Малик" уруғлик чигит тайёрлаш корхонасида, қисман Сайхунобод ва "Боевут" пахта тозалаш заводларида тайёрланади, - дейди вилоят "Пахта санат" ҳисадорлик жамияти уруғчилик бўлими бошлиғи Нахалбой Умрзоқов. - Бу йил 3200 тонна уруғлик чигит тайёрлашимиз лозим эди. Шу кунгача 4200 тонна, яъни захираси билан тайёрлашимиз.

Уруғлик чигитни экишга ҳозирлаб, фермерлар даласига етказиб беришни зиммаимизга олганмиз. Бунинг учун ҳудудларда 53 та уруғ тарқатадиган шохобча ташкил этилган. Айни пайтда уруғлик жойлардаги шохобчаларга етказиб берилмоқда.

"Малик" уруғлик чигит ишлаб чиқариш корхонаси қайта реконструкция қилинган ишининг сифатини оширди.

Бу йил 12 та янги дастгоҳлар ўрнатдик, - дейди корхона бош мунҳисини Бозорбой Жўраев. - Ишлаб чиқариш жараёнида чигитлар тозаланиб, элакдан ўтказилди, вазни, ҳажми қаттиқ назоратда. Сингларни, пучларни, кичиклари ажратиб ташланади. Ҳозирда икки хил - тулки ва туқиз уруғлар тайёрланапти. Фаолиятимизда Испаниядан келтирилган "Жибус" элаклари ва дориллаш жиҳозлари яхши самара берапти.

"Бахт" пахта тозалаш корхонаси марказий шохобчаси "Оқунбобов", "Янги-Ҳаёт", "Истиқ" худудий уюшмаларидаги фермерларга хизмат кўрсатади.

Ҳудудлардаги шохобчаларга транспорт воситалари, ишчилар бириктирилган, - дейди корхона директори Шавкат Жабборов. - Мисол учун, 10 та шохобчага 12 та трактор тиркамаси билан, 4 та юк машинаси, ҳар бир шохобчага 5 нафардан ишчилар бириктириб қўйилган. Бу иш тизим пайтда ҳеч қандай узилиш бўлмағлигига ҳаракат.

Сирдарёликлар, асосан, гўзанин "Ан Боявут-2" навини экишдади. Чунки, воҳода бу нав йиллар давомида ўзини оқлаб келаётди. Лекин бошқа навлар ҳам Сирдарёда синиб қуриллапти, - дейди Нахалбой Умрзоқов. - Масалан, бу йил "С-6524", "Бухоро-102", "Бухоро-6", "Бухоро-8" каби навлар ҳам экилади.

Шомирод ҚОЛМУРОДОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Ҳашар - элга ярашар

"Экология ва саломатлик кунлари" дастурига мувофиқ "Ижтимоий ҳимоя йили" ҳамда "Наврўз" байрамини бағишлаган биринчи боғиқ ташкилотларидан бири - умумреспублика экологик ҳашари ҳақида бўлиб ўтди.

Шу кунги юртимизнинг барча корхона, муассасаси ва ташкилотларида, ўқув масканларида, аҳоли яшаш жойларида экологик ҳашарлар, хайрият тадбирлари, тарғибот-ташвиқот ишлари ташкил этилди.

Ҳашарни ўтказиш бўйича Республика таъминот берган маълумотларга қўра, унда 6 миллион киши иштирок

этиди. Уларнинг аксарияти иш жойларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, санат ускуналарининг техник ҳолатини яхшилаш ва бошқа профилактик ишларни амалга оширди. Қўча атрофлари тозаланиб, қўчалардаги шикоятчи ишлари бажарилди.

Экологик ҳашарлардан тушган маблағ "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастурига асосан, ногиронларга, ёлғиз кексаларга, пенсионерларга, кўп болали, кам таъминланган оилаларга, ижтимоий объектларга ёрдам

қўрсатиш мақсадида юборилган "ЭКОСАН" саломатлик поёздларини ташкил қилишга сарфланади.

Яна бир хушхабар. Умумреспублика экологик ҳашари арасида йўлга чиққан "ЭКОСАН" экология ва саломатлик поёзидининг 40 миллион сўмлик хайрия моллари Фарғона вилоятига, 30 миллион сўмдан зиёд болалар ва эркаклар пойабзаллари, кийимлари ҳамда дезинфекция воситалари Наманган шаҳар 26-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига топширилди.

М.МИРСОВУРОВ, "ЭКОСАН" Халқаро ташкилоти маслаҳатчиси.

Истеъмолчига андиша жонизми?

Фарғона вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази томонидан «Қишлоқ ҳўжалик экинларининг зараркунандалари, касаллик ва бегона ўтларга қарши курашиш» мавзусида минтақавий семинар ташкил этилди.

Минтақавий семинар

Ушбу амалий анжумандан қўзланган асосий мақсад, янги ташкил қилинган фермер ҳўжалиқларига ўсимликларда учрайдиган мавжуд касаллик ва зараркунандалар ҳақида маълумотлар бериш, уларга қарши курашиш чора-тадбирларини аниқлаш, фермерлар билан ва кўнникларини янада бойитиш вазифаси юклатилган.

Айни пайтда семинар Олтиариқ ва Фуркат туманларида ўтказилди. Унда фермерлар бошқоқли экинларга ишлов бериш жараёни, бегона ўтлардан тозалаш, ҳашаротларга қарши курашиш тўғрисида мутахассисларнинг маърузаларини тингладик.

Ушбу тадбир бошқа туманларда ҳам ўтказилмоқда. (Ўз мухбиримиз)

Мижоз, табиийки, ана устга учради. "Мана, эҳтиёт қилинмиш яхшидан қўйдим. Энди ишлайди", деди уста бу гал ҳам бамайилхотир. Бирок, совуқчи дегани бир-иқи соат эмас, қовуқчи мунддатга қадар ишлаши керак эмасми? Қўндуз Зоирова устга учраб, бу гал олтиш минг сўмини қайтаришни сўради. Раб жавобини олди. Нима қиларини билмай боши қотди.

Мижоз, табиийки, ана устга учради. "Мана, эҳтиёт қилинмиш яхшидан қўйдим. Энди ишлайди", деди уста бу гал ҳам бамайилхотир. Бирок, совуқчи дегани бир-иқи соат эмас, қовуқчи мунддатга қадар ишлаши керак эмасми? Қўндуз Зоирова устга учраб, бу гал олтиш минг сўмини қайтаришни сўради. Раб жавобини олди. Нима қиларини билмай боши қотди.

Мижоз, табиийки, ана устга учради. "Мана, эҳтиёт қилинмиш яхшидан қўйдим. Энди ишлайди", деди уста бу гал ҳам бамайилхотир. Бирок, совуқчи дегани бир-иқи соат эмас, қовуқчи мунддатга қадар ишлаши керак эмасми? Қўндуз Зоирова устга учраб, бу гал олтиш минг сўмини қайтаришни сўради. Раб жавобини олди. Нима қиларини билмай боши қотди.

Мижоз, табиийки, ана устга учради. "Мана, эҳтиёт қилинмиш яхшидан қўйдим. Энди ишлайди", деди уста бу гал ҳам бамайилхотир. Бирок, совуқчи дегани бир-иқи соат эмас, қовуқчи мунддатга қадар ишлаши керак эмасми? Қўндуз Зоирова устга учраб, бу гал олтиш минг сўмини қайтаришни сўради. Раб жавобини олди. Нима қиларини билмай боши қотди.

Меҳрингиздан олам мунаввар

Жамият ҳаётидаги улуғ эврилишлару бунёдкорлик жараёнларини аёлларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Юртбошимизнинг "Аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ва ўрнини кўтариш бизнинг давлатчилигимизнинг устувор ва асосий йўналишларидан биридир", деган сўзларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти истиқлол йилларида аёлларга бўлган эътибор, бу борада қабул қилинган кўплаб қонуний ҳужжатлар ва уларнинг ҳаётга таътиқ этилишида ўз ифодасини топиб келаётир.

Президентимизнинг 1995 йил март ойида эълон қилинган мажлис қарорига аёлларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини оширишга доир махсус Фармонию мувофиқ, хотин-қизлар кўмиталарининг раислари маҳаллий ҳокимият органлари таркибига киритилиб, улар жойларда ҳоким ўринбосарлари бўлдилар. Республика Хотин-қизлар кўмитаси раисига эса Бош вазир ўринбосари мақоми берилди. Бу бошқарувнинг фақат янги шаклигина эмас, у мазмун-моҳиятига кўра катта сиёсий, маънавий ва иқтисодий аҳамият касб этади, албатта. Юртимиз аёлларининг мақсаду интилишлари, ўй-ташвишлари давлатнинг кундалик ишига айлангани, уларга давлат ҳамқўлиги кўрсатилиши ва тўла иқтисодий муҳофазага олиниши инсонпарварлик сивасининг ёрқин ифодаси эди.



Ғамхўрлик ва унинг ҳаётига фаровонлик олиб кириш каби эзу ниятлар мўжасман. Бу қонуний асослар аёлларнинг барча катори меҳнат ва ижод қилиши, иқтисодий ҳаётда ва давлат қурилишида иштирок этиши, оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқли эканини таъминлаб келаяпти.

Эҳтиром

Президентимизнинг 2004 йил май ойида эълон қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида хотин-қизларнинг кўриб кўришлари меҳнатини рағбатлантириш ва хотин-қизларнинг иқтисодий, ҳуқуқий, иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шу йили қабул қилинган "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, 3 ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланган муассаса ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмадан, иш вақтининг ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати ҳамда бошқа имтиёзлар белгилаб қўйилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1996-2001 йилларда қабул қилинган "Болали оилаларни иқтисодий кўллаб-қувватлашни кўчатириш чора-тадбирлари тўғрисида", "Она ва бола скрининг" давлат тизимини ташкил этиш тўғрисида", "Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шартларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида", "Соғлом авлод" давлат дастури тўғрисида", "Она ва бола" давлат дастури тўғрисида"ги қарорлари, Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2002 йил февраль ойидаги "Ишлаётган оналарга болани 2 ёшга тўлгунча параворш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори каби муҳим ҳужжатларда ҳам аёлга

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилалардаги ва жамиятдаги маънавий муҳитга жиддий эътибор қаратиш кўзда тутилди. Мазкур қарорга мувофиқ, ишлаб чиқилган дастурнинг катта қисми аёлларни иш билан таъминлашга қаратилди ва бу борада юртимизда изчил ислохотлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2005-2007 йилларга

мўлжалланган хотин-қизларни иш билан таъминлашга доир ҳудудий дастурларда 2005-2007 йилларда ҳар йили 205 миң нафар аёлларнинг иш билан бандлигига эришиш кўзда тутилганлиги ва 2005-2006 йилларда бу борада белгилагандан зиёд курсаткичлар қайд этилганини таъкидлаш жоиз. Президентимизнинг "Йирик саннат қороналари билан қанчалликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўрнатишда кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида бошқаб қўрилган хайрият тадбирлар юртимиздаги, айниқса, қишлоқ жойларидagi аёлларни иш билан таъминлашга янада кенг имкониятлар очди. Бозор иқтисодиётининг мураккаб шартларида давлат ғамхўрлиги, ҳужжатларсиз оналар ва болалар саломатлиги, оилаларнинг бир маромдаги ҳаёти, турмуш тарзини тасаввур қилиб бўлмасди.

Бугуннинг аёли нафақат оилада, балки ҳаётнинг барча жаҳаларида ўз сўзи, фикри ва ҳаракати, ўз фаолиятига эга шахс даражасига етган. 2004 йилда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловлар якунига кўра, қўйилган депутатларнинг 18 фоизи, Сенат аъзоларининг 15 фоизини аёллар ташкил этгани бунинг ёрқин ифодасидир. Эл ризқ-рўзини яратаятган меҳнатқарор фермер аёллар ҳимматидан даладар, бог-роғлар яшайоти. Етук оиламар, моҳир спортчи опа-сингилларимиз юртимиз доғруғини дунёга таратмоқда.

Гул-чаққалар фасли бўлган гўзал баҳорнинг илк кунларида азиз ва муқаррам аёлларимиз байрами - 8 Март айёми нишонланади. Муътабар оналар, гўзал опа-сингилларимизни байрам билан кўтлаб, уларнинг орзу-умид чаманларида доимо ҳаёт баҳори яшанган турсин, деймиз. **Д.МАТКАРИМОВА**



Дил сўзи

Эзгу ишларга ундайди

Баҳорнинг илк кунлари олам ажиб ҳуснга тўлиб, кўклар ифори таралади. Худди шу кунларда аёллар байрамининг нишонланишида бир уйғунлик бордай. Бу айём мен учун айни иш қизиган, янги-янги умид, ниятларим қуртак отаётган паллага тўғри келади. Ахир мен фермер, тадбиркор аёлман! Очиғи, ҳар бир байрам бизни янги марраларга ундайди, десам муболағаси йўқ.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, эришилаётган ютуқларда биз — аёлларнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан фойдаланаман. Узимдан қўйс, шундай ислохотлар самараси ўларок, мулкдор бўлдим. "Қурбонбеков Қишқоқбой" фермер ҳўжалигини ташкил этганимизга эндигина икки йил тўлган эса-да, ижобий натижаларга эришдик. Утган йили 15 гектар майдонда ғалла етиштириб, 35 тонна ҳосил олдик. 47 гектар майдондаги пахтадан 97 тонна хирмон кўтардик. Ийиллик соф фойда 25-30 миллион сўмини ташкил этди. Албатта, бу натижаларга ҳуқуқимиз томонидан яратилаётган шароит ва имкониятлар туфайли эришмоқдамиз.

Шундай гўзал, ажойиб байрам кунларида барча аёлларимизни кўтлаб, уларга улуғ мақсадлари йўлида омад тилайман. **Гулбахор ҚУРБОНБЕКОВА,** Амурдарё туманидаги "Қурбонбеков Қишқоқбой" фермер ҳўжалиги раҳбари.

Ҳаёт қувончи сизда

Баҳорнинг шодёна байрамлари хотин-қизларнинг гўзал айёмидан бошланади. Бунда ҳам бир рамзий маъно бордек, ахир ҳаётнинг боши ҳам оналар-ку, дейсиз беҳиштиёр.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган, аёлларни ҳар томонлама иқтисодий ҳимоя қилиш, уларнинг иш шартларини яхшилашга эътибор қўйилганлиги. Тиббиёт соҳасидаги ислохотлар туфайли аҳоли соғлиғини сақлаш борасида ибратли ишлар амалга ошириляпти. Гўрлан марказий шифохонасининг мен раҳбарлик қилаётган гинекология бўлими 2006 йилда 30 ўринли янги бино билан таъминланди. Беморларни текшириш, ташхис қўйиш, операция қилиш хоналари замонавий ускуналар билан жиҳозланган, дори-дармонлар ҳаммаши етарли. Тиббиёт ходимларига ойлик маош билан бирга, устама ҳақ ва муқофотлар ўз вақтида бериб берилаётгани уларни янада рағбатлантиряпти. Туманимизда хизмат қилаётган тиббиёт ходимларининг 800 нафардан ортиғи аёллардир. Ҳамкасбаримизни, юртимизнинг орама аёлларини байрам билан кўтлаб, доим соғ-омон бўлинг, болалар қувончи, дунёнинг бахти сизларда, дегим келади. **Лола НИЁЗИМБЕТОВА,** Гўрлан тумани, олий тоифали врач.

Мамлакатимиз Президентининг ПП-568-қарорига мувофиқ қайта ташкил топиши муносабати билан Зармитан дала-геология кидирув экспедициясининг номи ўзгартириб, "Зармитан геология кидирув экспедицияси" Давлат қорхонаси ("Зармитан ГҚЭ" ДҚ) деб юритилди. Давлат қорхонаси "Зармитан ГҚЭ" ДҚ деб юритилди. Давлат қорхонаси "Зармитан ГҚЭ" ДҚ деб юритилди.

Тошкент шаҳар Юнусовод тумани ИИБ томонидан 2006 йили "ALEKS-OSIYO" хусусий қорхонасига берилган думалоқ муҳр йўқолиши ҳақидаги сабабли бекор қилинди. Утерьянне кадастровые документы № 234172057 и 2343972039, от 17 февраля 1996 года, выданный ЧП "Олтин бошок" на имя Атабаева Октама главным управлением регулирования земельных отношений и кадастра недвижимости г.Ташкента, считать недействительным.

Яна авжи алёр. Яна соз, наво...

Юракда бог гулга киради

Шеър тингласа шоир шоирдан, Борлик бирдан жимиб қолади. Майсалар бosh кўтариб ердан, Бахт сенки бўлиб қолади. Шеър тингласа шоир шоирдан, Алланечук бўлиб кетасан. Соч тарайди шамоллар қирда, Кўл узатсанг, қўкка етасан. Шеър тингласа шоир шоирдан, Кўксингда тоғ тилга киради. Елдан учур қанот умрда, Юракда бог гулга киради.

Комиллик

Мағиз қўкка интилди, Ерилик кетди данак. Жисмини ерга бериб, Рух нурдан олди дарак. Қувватланди, улғайди, Яшилланди бор бўйи. Бундай гўзал дарахтдан, Баҳра олишди тўйиб. **Эътибор НОРБЎТАЕВА**

Умид

Қўй, бўлмағур хаёлларингни, Эзгин-эзгин саволларингни, Узим олай малолларингни, Нозимажон. Чашмадан пок, нурдан тинигим, Фейли тоза, хушрўй қилигим, Не қилайки, кўнгли синигим, Нозимажон. Бирни кўриб фикр айлагин, Бирни кўриб шукр айлагин, Иккисини бирга сийлагин, Нозимажон. Осмондаги ой қулчамизсан, Порлаб турган юлдузчамизсан, Ўша бегубор қизчамизсан, Нозимажон. Бошда отанг-соябинг бор, Илҳамингман, мен онавор, Еруғ кўнлар сандан умидвор, Нозимажон.

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА



Чагаев Валуев билан учрашди

6 март куни Германиянинг Штутгарт шаҳрида Руслан Чагаев ва Николай Валуев ўртасида матбуот-анжумани ўтказилди. "Порше-Арена" саройида ташкил этилган матбуот-анжуманида боксчиларнинг мураббийлари ҳам иштирок этишди ва шогирдларининг тайёргарликлари ҳақида ОАВ ходимлари савол-жавоб беришди. — Бу менинг ҳаётимдаги энг асосий "жанг"дир. Менда чемпионлик камарини ютиб олиш имконияти бор ва мен ундан максимал даражада фойдаланаман. Тайёргарлигим аъло даражада ва 14 апрелда юқори жисмоний ҳолатда бўламан, — дейди ҳамоиртигим. Чемпион ҳам ўзининг ҳозирлиги ҳақида сўз юритиб, қуйидагиларни айтиб ўтди: "Мураббийим билан ҳар кун рақибимнинг "жанг"лари ёзилган кассеталарни кўриб, унинг баҳс юритиш услубини ўрганиб чиқяпмиз. "Муштлашув"да қўлайдиган тактикам ҳақида эса ҳеч нарса айтмайман. Чунки рингда дуч келадиган рақибим менинг ёнимда ўтирибди".



Бу ҳали бошланиши

Футбол бўйича Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида бошланган "Алма ТВ Кубоғи" баҳсларининг 1-турда Ўзбекистон терма жамоаси Озарбайжонга қарши майдонга тушди. Тенгма-тенг курашлар остида ўтган учрашувда Рауф Инилев шогирдлари 0:1 ҳисобида имкониятни бой беришди. тузиб чиқилган рўйхатдан 28 футболчи жой олган: Дарвозабонлар: Игна-ти Нестеров, Тимур Жўраев, Павел Бугалос; Ҳимоячилар: Асрор Алиқулов, Исом Иномов, Илхом Суқонов, Бахтиёр Ашурматов, Даврон Файзиев, Аскар Муҳитдинов, Анавар Фофуров, Максим Усмонов; Ярим ҳимоячилар: Леонид Кошелев, Анавар Солиев, Тимур Копадзе, Сервер Жепаров, Илдор Мағдиев, Янис Мандзукас, Илбос Зейтуллаев, Мансур Саидов, Икбол Акрамов, Иброҳим Отахонов, Ботир Қораев, Ҳамза Каримов, Ҳуқумчилар: Владимир Шишелев, Александр Гейррих, Улуғбек Бақоев. Терма жамоа ҳақида яна бир маълумот. Ўзбекистон Футбол федерацияси томонидан маълум қилинишича, 22 август куни терма жамоамиз Киев шаҳрида Украина бош жамоаси билан ўртоқлик ўйини ўтказди. Шунингдек, 17 октябрь куни Эстония билан сафарда куч синашамиз. 17 ва 21 ноябрь кунлари эса Хитой ҳамда Эстония термалари билан Ўзбекистонда ўртоқлик учрашувлари ташкил этилади. Мазкур беллашувлар 2010 йил Жаңуви Африка Республикасида ўтадиган жаҳон чемпионати саралаш баҳсларига тайёргарлик вазифасини ўтайди. **Ф.АБИЛОВ тайёрлади.**

АВТОТРАНСПОРТ - КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ - AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўриндикли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фургонар, 6-15 ўриндикли микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш истаган усуда!

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Бош муҳаррир: Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Уктам БАРНОЕВ, Фахриддин КАЛОҲОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агрисаноат комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Вухро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-606-34; Наманган - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-765-42.

Реклама ва эълонлар матни учун бюуртмачи жавобгар - тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: А.ҚУЛМУРОДОВ
Саҳифаловчилар: Р.ЕДГОРОВ, А.САФОНОВ
Бош мусаххас: Х.ТОШҲУҲАЕВ